# Ерни ардоқлаш — элни ардоқлаш

**Табиат бизга инъом этган энг бебаҳо бойликлардан бири ердир. Инсоният яралгандан буён мана шу азиз заминда яшаб, унинг ҳаётбахш неъматларидан баҳраманд бўлиб келади.**


**Сиддиқжон АБДУБОКИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси**


Халқимизда «Ер — хазина», «Ер — тўқ, сен — тўқ», «Ери бойнинг — эли бой» деган нақллар бежиз айтилмаган. Зеро, ер — ризқ-рўзимиз манбаидир. Биз уни кўз қорачиғидай эъзозлаб-авайлаб, турли офатлардан сақлашимиз ва ҳалол меҳнат билан уни ҳақиқий хазинага айлантиришимиз мумкин. Ҳозирги шароитда ердан унумли фойдаланибгина қолмай, экологик жиҳатдан уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳам лозим. Ер ресурсларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, уни асраш, оқилона фойдаланиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва агротехника қоидаларига риоя этиш ҳамда ер ресурсларини тиклаб, ҳосилдорлигини ошириб бориш ва бошқалар тушунилади.

Тупроқ тирик организмлар учун ҳаёт муҳити, озуқа манбаи ҳисобланади. Тупроқ биосферанинг муҳим қисми бўлиб, у барча жараёнларда, моддалар алмашинуви ва уларнинг трансформациясида ҳам иштирок этади. Биосферада тупроқнинг энг муҳим роли шундаки, барча организмларнинг қолдиқлари тупроқда парчаланади ва янга минерал бирикмаларга айланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда эрозия ва дефляция натижасида 8 миллион гектар ер қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз аҳволга келиб қолмоқда. Кўплаб ҳар хил пестицидларни ишлатиш ҳам тупроқ қатламларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бутун дунёда минерал ўғитлар ишлатишни камайтириш ва пестицидлардан умуман фойдаланмасликка катта эътибор қаратилмоқда.

Билasизки, собиқ иттифоқ даврида экинлар парваришида агротехника қоидаларига амал қилинмагани, алмашлаб экишга эътибор берилмагани хунук оқибатларга сабаб бўлди. Энг ёмони, пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ғўза баргларига заҳарли кимёвий моддаларнинг сепилиши атроф табиий муҳитга ва аҳоли саломатлигига ўта салбий таъсир этган ҳолда, инсонларда турли хавфли касалликларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги даврнинг энг хавфли ва глобал масалаларидан бири суғорилиб деҳқончилик қилинадиган минтақаларнинг чўлга айланишидир. Ҳар йили дунё бўйича 5 миллион гектар ишланадиган ерлар чўлга айланиб, 20 миллион гектар ер ўз ҳосилдорлигини қисман йўқотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ердан оқилона фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2008 йилда 120 миллиард сўм, 2009 йилда 130 миллиард сўм ажратиш режалаштирилиб, ушбу маблағлар тўла ўзлаштирилди, 2010 йилда эса бу мақсад йўлида 150 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ер ресурсларининг ҳуқуқий ҳолатига алоҳида эътибор берилиб, аграр соҳада ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан кучайтириш мақсадида 1998 йилда «Ер кодекси» қабул қилинди. Шунингдек, ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари мамлакатимизда мавжуд қонунларни экологик жиҳатдан кўриб чиқиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»ни такомиллаштириш, шунингдек, янги қонуности, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалдагиларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун қонун ижодкорлигига катта эътибор қаратишган. Бинобарин, юртимиз тўкинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги пойдевори бўлган она заминдан меҳримизни аямасак, тупроғи зар, бағри хазина бўлган ер ҳам биздан ҳеч қачон саховатини аямайди.